

УКУВ ЖАРАЁНИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хайитов Абдулла Нурматович

Урганч давлат Университети “Транспорт тизимлари” кафедраси укитувчи

Курбанова Нигора Сайдмуродовна

Хонқа 3-сон касб-хунар мактаби, “Махсус ва қасбий” фанлар кафедра
мудири.

Оллаеров Бектош Юлдашевич

Хонқа 3-сон касб-хунар мактаби. Ишлаб чиқариш таълим устаси

АННОТАЦИЯ

Таълим соҳасида педагогик ва ахборот - коммуникация технологиялардан, интернет ахборот таълим ресурсларидан хамда конференция усулидан фойдаланиш укувчиларининг олаётган билимларни юкори савияда булишида самарали ёрдам беради ва уларнинг келгусида малакали мутахассислар булиб чикишига имконият яратади.

Калит сузлар: Замонавий ахборот технологиялари, мустакил таълим.



Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари укитишнинг янги шакл ва методларини ишлаб чикиш учун кенг имконият яратилди. Шу билан бирга, ахборот коммуникация технологияларини чукур ургатиш, укувчиларни катта хажмдаги маълумотларни кабул килиш, кайта ишлаш ва мустакил ишлаш муаммоси юзага келмоқда. Бугунги кунда факатгина маърузага асосланган анъанавий дарслар вакти утди. Ахборот оқими суръати тезлашган бир пайтда утилаётган хар бир дарс ранг-баранг булмаса, укувчи ёътиборини билимга жалб етиш мушкул. Бунинг учун укитувчи тинмай изланиши, ижодкор булмоги даркор. Бундай холда, айникса дарсни уйинлар асосида куриш тизимиға асосланиб утиш сезиларли самара беради. Уйинлар еса укувчи психологиясидан келиб чиқиб, танлангани маъкул. Биринчи булишга ундаш услуги доимо узини оклади. Чунки болалар хамиша узини курсатгиси, тенгдошлиаридан бир кадам олдинда юргиси келади. Дарсларда хам янги маълумотларни етказишдан аввал укитувчи уларнинг дастлаб олган билимларини, тасаввурларини аниклаштиради, бир тизимга

солади, олинган билимлар хар хил кургазмали воситалар, слайдлар, мультимедия, таркатма материаллар, күшимча адабиётлар билан мустахкамланса максадга мувофик булади. Дарсда олиб бориладиган таълим - тарбия ишларининг асосий элементларидан бири, укувчиларнинг узаро фаоллик асосида мустакил, эркин фикрлаш укув ва амалий топширикларини бажаришлари, хаётда албатта йетукликка йетаклайди. Дарсларда фойдаланиладиган хар қандай интерфаол усуллар таълим характеристига ега булиб, укувчилар билимининг мустахкамланишига, аниклаштирилиши ва кенгайишига, уларни умумлаштиришга ва тизимга солишга ёрдам беради. Таълим сифатини оширишда амалга оширилаётган ишлар хакида гап кетганда, таълим бериш жараёнини езгулик купригига ухшатамиз, бу куприкдан укувчиларимизни билимли, дунёкараши кенг килиб олиб утиш устозни, яъни уқитувчиларни вазифаси деб биламиз. Дарсларнинг назарий ва амалий кисмида укувчиларнинг кизикишини ошириш учун педагогик технологиянинг самарали усулларидан фойдаланиб, кичик гурухларга булинган холда олиб борилади. Машгулотларни олиб бориш жараёнини кузатиб бориш ва керакли маслаҳатлар бериш кичик гурухларда дарсларни самарали утилишига ёрдам беради. Уз қасбини устаси булган ахборот-коммуникация зарур. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари уқитишнинг янги шакл ва методларини ишлаб чиқиш учун кенг имконият яратилди. Шу билан бирга, ахборот коммуникатия технологияларини чукур ургатиш, укувчиларни катта хажмдаги маълумотларни кабул килиш, кайта ишлаш ва мустакил ишлаш муаммоси юзага келмокда. Мактабдан касб – хунар коллежига укишга келган куп укувчилар мустакил фикрлаш ва ишлаш буйича йетарлича куникмага ега емас. Айримлари билим олишга кизикишлари жуда паст. Кобилиятли, изланувчан хамда ижодкорликка иштиёки бор фарзандларимизни узи кизиккан ахборот коммуникатия технологиялари йуналишида чукурлаштирилган сабок олиши, уларни келажакда албатта юксак малакали мутахассислар булиб йетишишиларида асосий омил булиб хизмат килади . Маълумки, Республикализнинг барча таълим муассасалари укув жараёнидаги замонавий шакллари ва усулларини куллаш, таълим тизимида ахборот технологиялардан унумли фойдаланиш, улар ёрдамида таълим тизимини талаб даражасига етказиш устида бир канча ишлар олиб борилмокда.

Укув жараёнидаги замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг куйидаги имкониятларини келтириш мумкин:



- ❖ Укитувчига укув материалларини таълим олувчиларга етказиб беришда бирмунча енгиллаштирилиши;
- ❖ Дарс жараёнида берилаётган укув материалларнинг такрорий холда намойиш килиш имкониятининг мавжудлиги;
- ❖ Таълим олувчилар узлаштириш даражасининг юкори булишига эришиш;
- ❖ Мультимедиали электрон дарсликлар таркибида кургазмали виртуал стендлар ташкил килиш имконияти;
- ❖ Амалий ва лаборатория машгулотларини видео, аудио ва анимацияли воситалар оркали кизикарли ташкил килиш имконияти;
- ❖ Тавсия килинган укув материалларидан оммавий тарзда фойдаланиш, яъни тармок технологиялари ёрдамида бир ёки бир нечта аудиторияда ва гурухларда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;
- ❖ Укув материаллари маълумотлар базасини тезкор равишда узгартириб, янги ахборот захираларини киритиш имкониятининг мавжудлиги;
- ❖ Амалий ва лаборатория машгулотлари мобайнида маъруза материалларига утиш имкониятининг яратилиши;
- ❖ Масофадан укитиш учун асосий воситалардан бири сифатида фойдаланиш имконияти;
- ❖ Таълим олувчиларнинг индивидуал билимларини баҳолаш, назорат килиш ва бошкалар.

Бундай имкониятларга эга булган укув материалларини укув жараёнига тадбик этиш, бир вактнинг узида таълим олувчиларга укув материалларини куриш, укиш, эшитиш, мулохаза килиш ва кайта-кайта такрорлаб уз билимларини ошириш имкониятларини яратади. Ахборот технологияларини укув жараёнига кулланилиши, айникса мультимедиали воситалардан фойдаланиш укув жараёниниг дидактив куринишда тасвиrlаш учун жуда катта имкониятлар яратади.

Укув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишда электрон дарсликларнинг алоҳида урни мавжуд. Электрон дарслик - компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган укув услубини қуллашга, мустакил таълим олишга хамда фанга оид укув материаллар, илмий маълумотларнинг хар томонлама самарадор узлаштирилишига мулжалланган электрон укув адабиёти хисобланади. Таълим тизимида укув жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари кулланилса таълим-тарбия жараёни жадаллаштирилади. Таълим-тарбия



жараёнини жадаллаштиришнинг асосий омиллари каторига куйидагиларни келтириш мумкин:

- ❖ максадга йуналтирилганлик;
- ❖ укувчиларнинг мотивациясини қучайтириш;
- ❖ таълим мазмунининг ахборотли хажмини кенгайтириш;
- ❖ укувчиларнинг укув-билиш фаолиятини фаоллаштириш;
- ❖ укувчиларнинг укув-амалий дарражасини мустахкамлаш ва бошкалар.

Укув жараёнида мустакил таълим машгулотларини самарали ташкил килишда замонавий ахборот технологияларининг ахамияти жуда катта хисобланади. Компьютернинг дастурий воситалари асосида яратилган укув-услубий материаллар ва электрон дарсликлардан фойдаланишдан асосий максад замонавий ахборот - таълим услубини шакллантириш, замонавий ахборот-педагогик, ахборот ва компьютер технологияларини куллаш оркали таълим жараёнининг самарадорлиги, сифати ва унимдорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимида замонавий укув манбалари электрон укув дарсликларини кенг куллаш, уларнинг маълум маънода кутубхоналарини ташкил этиш, таълимнинг масофадан укитиш усувларини амалда жорий этиш ва умумжахон электрон укув тизимида киришдан иборат.

Мустакил таълим машгулотлари учун яратилган электрон укув-услубий материаллар автоматлаштирилган дастурий воситалар ёрдамида фаолият олиб боради. Автоматлаштирилган укув-услубий материаллар таълим оловчиларга керакли мавзулар буйича маълумотларни тавсия этади ва билимларни назорат килади. Билимларнинг назорати натижасига караб таълим оловчиларга турли савиядаги топшириклар тавсия килинади. Автоматлаштирилган укув-услубий таълим воситалари ёрдамида таълим оловчилар укитувчининг ёрдамисиз хам уз билимларини ошириб такомиллаштириб бориши мумкин.

Укув жараёнида масофали укитиш тизимини ташкил килишнинг асосий талабларидан бири укув материалларини укувчиларга тақдим этиш воситалари хисобланади. Бунда масофали укитиш тизимининг асосини ташкил этувчи укув материалларининг электрон версияларини яратишга бир катор талаблар куйилади.

Укув материалларини электрон куринишда тақдим этганда унинг укувчилар томонидан тушуниш даражасига алоҳида эътибор бериш керак. Электрон шаклда тақдим этилаётган материаллар талим оловчилар учун кулаг ва яхши узлаштира оладиган булиши керак. Тавсия этилаётган укув



материалларида керакли таърифлар, таянч иборалар, калит сузларга мурожаат килиш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари яратилиши керак.

Фанлардан амалий ва лаборатория ишларини виртуал стендлар куринишида имитация килиш оркали ташкил килиш масофали укитиш тизимида куйидаги имкониятларни таъминлайди:

- ❖ виртуал стендлар учун маҳсус жихозланган хоналар талаб килинмаслиги;
- ❖ лаборатория ишларини анимациялар билан таъминланиш ва объектлар устида олиб борилаётган жараёнларни тугридан-тугри намойиш килиш;
- ❖ яратилган виртуал стендлардан куп маротаба фойдаланиш.

Фанлардан амалий ва лаборатория ишларини виртуал стенд тарзида ташкил килиш масофали укитиш тизимида жуда қатта ахамиятга эга. Масофали укитиш тизимини ташкил килиш натижасида кургазмали укув материалларидан узок минтакалардаги таълим муассасаларида укув жараёни учун керакли укув жихозлари етарли булмаган холда хам таълим олувчилик амалий ва лаборатория ишларини бажариш имконияти яратилади. Электрон укув материалларини яратиш, улардан кулай ва самарали фойдаланиш учун электрон укув материаллари пдф форматига утказилади. Бу форматда тайёрланган материаллардан фойдаланишнинг афзалликлари куйдагилардан иборат:

- ❖ маълумотлар хотирадан кам жой эгаллайди;
- ❖ маълумотлар химояланган булади (узгаришишлар, вируслар таъсиридан холи килиш ва бошкалар);
- ❖ маълумотларни кидириш ва чоп этишини тезлаштириш; о маълумотларни ифодаловчи юкори сифатли шрифтларнинг мавжудлиги;
- ❖ ихчам тасвирли маълумотларни яратиш;
- ❖ маълумотларнинг зарур сахифаларига тез утишни таъминлаш ва бошкалар.

Бу каби курсаткичлар масофали укитиш жараёнида фойдаланиладиган укув материалларининг асосий талабларини ташкил килади.

ХУЛОСА

Укув жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари куйдагилардан иборат:

- ❖ укув жараёнида берилаётган материалларни чукуррок ва мукаммалрок узлаштириш;
- ❖ таълим олишнинг янги шаклларини жорий килиш; о дарс жараёнида билим олиш вактининг кискариши натижасида вактни тежаш имконияти;



- ❖ олинган билимлар киши хотирасида узок муддат сакланиб колиниши ва уни амалиётда куллаш мумкинлиги.
- ❖ укувчиларда маълум малакаларни шакллантириш вакти кискалиги; о машгулотларда бажариладиган топшириклар сонининг ошиши;
- ❖ компьютер томонидан фаол бошкаришни талаб килиниши натижасида укувчи таълим субъектига айланиши ва бошкалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. О.А. Куйсинов, Н.А.Муслимов. Касб таълими уқитувчиларини тайёрлашда мустакил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. Монография.-Т.: “Фан”, 2009.-926.
2. О.А.Куйсинов. Касб таълими йуналиши бакалавр уқитувчиларини тайёрлашда мустакил таълимнинг илмий – методик асослари:Дис. ...пед. Фан. Ном.- Т.:ТДПУ, 2008. – 160 б.
3. Ш.И.Йулдашев. талабаларнинг мустакил таълимининг замонавий укув жараёнида ахамияти ва урни // Услубий кулланма. – Т.: УзМУ. 2022.-41.6
4. Д.Р.Каримова. Кредит – модуль тизимида мустакил таълим// Услубий кулланма.- Тошкент:ООО “Complex Print”. 2021. 126 бет.
5. Н.О.Жураева. Таълим жараёнида мустакил укув фаолиятини ташкил этиш буйича айрим курсатмалар // Таълимва инновацион тадқикотлар. 2021.№3.- 172 б.
6. Г.М.Мусаханова. Мустакил талим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик кобилиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида // Иктисадиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 2020.№6. – 222-224 б.
7. Р.Р.Хусайнов. Олий таълимда фанларни уқитиш сифатини оширишда мустакил таълимнинг роли // Замонавий таълим. 2016.№4. – 25-32 б.
8. Г.Н.Ибрагимова. олий таълим тизимида интерфаол технологиялар воситасида талабалардаги ижодий фикрлашни ривожлантириш // Замонавий таълим. 2017.№4. – Б. 30-35.

